



Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир

Абу Бурда отаси Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам У кишини Яманга юбориб, у ерда ясаладиган ичимликлар ҳақида сўрадилар. Абу Мусо: «Битъ ва Мизр», – дедилар. Абу Бурдага: «Битъ нима?» – дейилди. «Асал набизи (виноси). Мизр эса, арпа набизи», – деди. Шунда Расулуллоҳ: «Ҳар бир маст қилувчи ичимлик ҳаром», – дедилар. Имом Муслим ривоятида айтадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени ва Муозни Яманга юбордилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ! Бизни ерларимизда ясаладиган ичимликлар бор. Бири арпадан тайёрланади унга Мизр дейилади. Битъ эса асалдан тайёрланади», – дедим. Шунда: «Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром», – дедилар. Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятида: «Маст қилиб, намоздан тўсадиган ҳар қандай нарса ҳаромдир», – деганлар. Яна бошқа бир ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга барча қисқа, аммо пурмаъно калималар ато этилган эди. У зот: «Маст қилиб намоздан тўсадиган ҳар қандай нарсадан қайтараман», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Бухорий ва Муслим ривояти]

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишини Яманга юбораётганларида у ерда тайёрландиган ичимликлар ҳақида у ҳаромми дея сўралдилар, шунда набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у ичимликлар ҳақида батафсил сўрадилар». Абу Мусо разияллоҳу анҳу: «Улар – Битъ – асал набизи (виноси) ва Мизр – арпа набизи», – дедилар. Шунда пурмаъно сўзлар ато этилган зот Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром», – дедилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/66536>

